



ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР

Хамракулов Зафаржон Йигиталиевич

Қўқон давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада жиноят ҳуқуқи фани ўқитувчисининг педагогик маҳорати, унга қўйиладиган вазифалар ва замонавий талаблар масалалари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: жиноят ҳуқуқи, педагог, талаба, янги педагогик технология, юридик фан, замонавий талаблар

СОВРЕМЕННЫЕ ТРЕБОВАНИЯ К ПРЕПОДАВАТЕЛЯМ УГОЛОВНОГО ПРАВА

Хамракулов Зафаржон Йигиталиевич

Старший преподаватель Кокандского государственного педагогического института

Аннотация: В статье исследуются педагогические навыки, обязанности и современные требования к преподавателю уголовного права.

Ключевые слова и выражения: уголовного право, педагог, студент, новая педагогическая технология, юридическая наука, современные требования.

MODERN REQUIREMENTS FOR TEACHERS OF CRIMINAL LAW

Khamrakulov Zafarjon Yigitalievich

Senior teacher of the Kokand State Pedagogical Institute

Annotation: The article examines pedagogical skills, duties and modern requirements for a teacher of criminal law.

Key words: criminal law, teacher, student, new pedagogical technology, legal science, modern requirements.

Ҳар қандай фаннинг самарадорлиги ундан дарс берадиган педагогнинг маҳоратига боғлиқ бўлади. Новатор ва жўшқин руҳиятга эга муаллим ўз дарсларини қизғин тадбирга айлантира олади. Ўқувчиларни машғулот давомида фаоллигини таъминлайди ва дарсда ўз олдига қўйган мақсадига эриша олади. Дарс берувчи педагогнинг касбий маҳорати қуидагиларда намоён бўлади:

- ўтиладиган мавзунинг таълимий ва тарбиявий мақсадларини тўғри белгилашида;





- дарсга замонавий педагогик технологияларни татбиқ эта олишида;
- вақтни түғри тақсимлаш асосида ўрганиладиган масалаларни максимал даражада ёритиб бера олишида;
- таълим олувчининг билиминиadolatли баҳолашида;
- таълим олувчининг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлишида;
- дарс жараёни ташкил этилишидаги раҳбарлик маҳоратида;
- ўз олдига қўйган таълимий ва тарбиявий мақсадларга ва бошқа натижаларга эриша олишида.

Таълимда ўқитилядиган фанлар турфа хил бўлганлиги боис, уларни ўқитишда соҳа педагоглари муайян услублардан фойдаланиш орқали самарали натижаларни қўлга кирита оладилар. Бунда мазкур фанга хос хусусиятларнинг инобатга олиниши талаб этилади. Жиноят ҳуқуқи ҳам бундан мустасно эмас албатта.

Юридик фанлар тизимида жиноят ҳуқуқи фани ўз предмети, ўрганиш обьекти, давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни, шахс учун келтириб чиқарадиган ҳуқуқий оқибатлари асосида таълим олувчиларни ўзига ром этади. Зотан, ҳеч бир юридик фан ушбу ўқув курси каби талабаларни диққат марказидан ўрин эгаллай олмайди. Юридик фанларни ўрганаётган энг лоқайд талаба ҳам жиноят ҳуқуқи мавзуларида яхши тингловчига айланади. Жиноят ҳуқуқи давлат, жамият ва шахс муносабатларига, шунингдек иқтисодиёт, экология, жамоат тартиби ва бошқа муносабатларга қаратилган жиноий тажовузлар оқибатида етказиладиган жиноий оқибатларнинг ижтимоий хавфлилиги, оғир оқибатлари билан диққатни ўзига жалб қиласди. Бундай вазиятдан тажрибали педагог унумли фойдалана олади.

Ахборот технологиялари гуркираб ривожланаётган ҳозирги кунда ўз билимларини ривожлантириб бориш, янгиликларни тез ўзлаштириш, қонунчиликдан мунтазам хабардор бўлиб бориш, улардан таълим жараёнида фойдаланиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, кенг кўламли билим, қўнимка, малака, қизиқувчанлик, аниқ мақсадга интилиш ва шахсий фаолиятга нисбатан талабчанлик бўлажак мутахассислар ижлдкорлик қобилияtlари шаклланишининг заминидир [1]. Буларни инобатга олган ҳолда, жиноят ҳуқуқи фани ўқитувчиси қуйидаги вазифаларни бажаришни ўз олдига мақсад қилиб олиши зарур:

- жиноят ҳуқуқи билан боғлиқ билимларни талабаларга етказишида янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш;
- талабаларнинг мустақил ишлашлари учун жиноят ҳуқуқига доир муаммоли вазиятларни мавзуларга мос равища уларга тақдим этиб бориш;
- жиноий қиммишга хос бўлган муаммоли вазиятларни талабалар билан таҳлил қилиш орқали улардаги ижодий тафаккурни ривожлантириш;
- талабаларнинг жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш қўникмаларининг юксалтиришга ҳаракат қилиш.





Педагог таълим жараёнида бошқа вазифаларни ҳам бажариши талаб этилади. Хусусан, талабаларда танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш ҳам шулар жумласидандир. “Талабаларнинг таълим жараёнида ўқиш фаолиятини назорат қилиш орқали танқидий фикрлашни ривожлантиришда кичик гуруҳларда ишлаш катта самарадорликка эга” [2]. Бу албатта ўқитувчининг методик тайёргарлигини юқори даражага кўтаришни талаб қиласди. Дарс давомида педагог “Кластер”, “Инсерт”, ФСМУ, “Аквариум”, “Зинама-зина”, “БББ”, “Ақлий хужум” каби кўп қўлланиладиган ноанъанавий ўқитиши методлари билан чекланиб қолмасдан, бутунлай янги услублар ўйлаб топиш ва улардан фойдаланиш чораларини кўриш яхши натижа беради.

Жиноят ҳуқуқи фанидан дарс бериши лозим бўлган педагог ушбу фаннинг асосларини эгаллабгина қолмасдан, конятитуциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ва оила ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи, жиноят-ижроия ҳуқуқи, криминология, криминалистика каби ҳуқуқ соҳаларини ҳам яхши билиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, суд тиббиёти, суд психиатрияси, суд бухгалтерияси каби соҳаларни билиш ҳам зарап қилмайди. Зотан, “олий таълим оловчи инсон нафақат мутахассис бўлади, балки у билан бойийди, балки ўзининг хусусий капиталини ҳам ўстиради” [3]. Талаба жиноят ҳуқуқи фанидан дарс машғулотларида ўзини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишни истайди ва фан ўқитувчисига турли саволлар билан мурожаат қиласди. Баъзи саволлар бошқа фанларнинг обьектига тааллуқли бўлиши мумкин. Талаба эса жиноят ҳуқуқи фанидан дарс берадиган ўқитувчини мавзуга алоқадор барча масалани биладиган устоз сифатида кўради. Саволига жавоб ололмаса, ўқитувчига нисбатан ишончи маълум маънода сўниб қолади. Фанга қизиқиши ҳам пасайиши мумкин. Бунга асло йўл қўйиш керак эмас. Айнан шу нарса ўқитувчини барча яқин фанлардан хабардор бўлишини талаб қиласди. Шунинг учун жиноят ҳуқуқи фанидан дарслар асосан тажрибали профессор-ўқитувчиларга тақдим этилади.

2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ўзида таълимга доир давлат сиёсатининг асосий принципларини акс эттирган бўлиб, уларда таълим ва тарбияга миллий ҳамда умуминсоний қадриятларнинг сингдирилганлиги, билимлилик, қобилиятилилик ва истеъдоднинг рағбатлантирилиши каби тамойиллар ҳам ўрин олган. Мазкур принциплар, хаттоки, жиноят ҳуқуқи фанига маънавий томондан ёндашиш, қобилиятили ва истеъдодлиларни рағбатлантириб бооишни тақозо этади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, жиноят ҳуқуқи фанидан дарс берувчи ўқитувчиларга қўйиладиган замонавий талабларга қуйидагиларни киритиш зарурлигини тавсия этамиз:


- педагог жиноят ҳуқуқи фани бўйича махсус билимлар билан бирга, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлиш





- замонавий ўқитувчи эгаллаши керак бўлган илм-фан ютуқларидан хабардор бўлиши, улардан самарали фойдалана олиш;
- жиноят қонунчилиги доирасидаги ҳар қандай янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб бориш;
- педагогика назарияси қонуниятлари асосида талабаларнинг психологик хусусиятларини инобатга олиш;
- таълим-тарбия жараёнида мавзуларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, энг самарали педагогик технологиялар ва методлардан фойдаланиш;
- фаннинг ўрганилишда аудиториядан ташқари машғулотларни ташкил этишда ижодкор ва ташкилотчи бўлиш;
- ўз ҳамкасларининг дарсларини кузатиб борган ҳолда, уларнинг дарс ўтишларидағи фойдали жиҳатларни ўзлаштириб бориш;
- юксак педагогик техника билан педагогик маҳоратини мунтазам ошириб бориш;
- дарсларда талабалар ўртасидаги соғлом рақобатни шакллантириш орқали уларнинг билимга чанқоқликни кучайтириш;
- таълим жараёнига ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини жалб қилиш;
- ўқув амалиёти даврида амалиёт жойи сифатида суд-хуқуқ органлари танланишига ҳаракат қилиш;
- тўғри, аниқ, содда, равон ва тушунарли нутқ маданиятига эга бўлиш, бунда шева, жаргон, вульгар сўзлардан холи атамаларни ишлатиш;
- ўқитувчининг кийиниш маданиятига қатъий риоя қилиш;
- аввал ҳуқуқбузарлик туфайли маъмурий, жиноят кўринишдаги жазога тортилмаган бўлиши, ҳаётда самимий инсон сифатида яшashi;
- ўз ҳамкаслари, талабаларнинг ота-оналари, учинчи шахслар билан мулоқотда ахлоқ қоидаларига риоя қилиши ва бошқалар.

Жиноят ҳуқуқи фанидан дарс берувчи профессор-ўқитувчи томонидан талабаларга билим беришда ортиқча ҳиссиётга берилишдан қочиш, жиноят процессининг суриштирув, жиноят-қидирув фаолиятига ҳалақит берувчи нозик жиҳатларини сўзлашдан тийилиш, талабаларни товламачилик, фирибгарлик каби жиноят элементларининг ўзлаштириб олишларига йўл қўйиш тавсия этилмайди. Чунки талабалар жиноят қонунчилиги асосларини ўрганишлари жараёнида жиноят-процессуал қонунчилигига тааллуқли масалаларга ҳам дуч келишади. Табиий равишда уларга жавоб олишга интиладилар. Ўқитувчи билиб ёки билмаган ҳолда, процессининг ошкор қилиш шарт бўлмаган томонларини ҳам айтиб қўйиши, баъзан жавобгарликдан қочишнинг сир-асрорларини очиб қўйиши мумкин. Бундай ҳолат бир кун келиб салбий натижага келтириб чиқаришини ҳам унутмаслик зарур.





ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ҳакимова М.Ф. Бўлажак иқтисодчи мутахассисларнинг касбий маҳоратини шакллантиришда таълим технологияларининг ўрни // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. 2011, -№1. - Б. 5.
2. Қўчқарова М.А. Бўлажак бошланғич таълим ўқитувчиларининг ижодий ёндашув асосида касбий компетентлигини ривожлантириш йўллари // НамДУ илмий ахборотномаси. Наманган, 2021 й. №11, - Б. 508-509
3. Батурина А.А. Высшее профессиональное образование как ресурс социально-экономического развития региона // Подготовка образованного и интеллектуально развитого поколения – как важнейшее условие устойчивого развития и модернизации страны. Сборник статей международной конференции. 16-17 февраля 2012 года. – Ташкент, 2012. – С. 22.

